

Қозининг одоблари 16-боб



17:00 / 22.11.2020 2311

Фақиҳ Абу Лайс раҳимахуллоҳ айтадилар: Қози иккала даъвогарни ўтқазишда, уларга қарашда ва бошқа муомалаларда, асарларда келганидек, баробар бўлиши керак.

Умму Салама розияллоҳу таоло анҳо ривоят қиладилар:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар сизларнинг бирортангиз қозилик билан балоланса, икки хусуматчининг ўртасида, мажлисда, ишоратда ва назарда бир хил бўлсин. Хусуматчиларнинг бирини бошқасига нисбатан кўтармасин. Қози ҳукм қилаётганда хотиржам бўлиши лозим»**, дедилар.

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қози фақат нафси, кўзи тўқ ҳолида ҳукм қилсин»**, дедилар».

Абу Бакр розияллоҳу таоло анҳу Сижистонда қози бўлган ўғилларига: «Ғазабланган ҳолатингда икки киши ўртасида ҳукм қилма, чунки мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Қози ғазабланган ҳолида икки одам орасида ҳукм қилмасин», деганларини эшитганман», деб хат ёзганлар.

Ҳасан Басрий: «Аллоҳ таоло ҳоқимларга учта нарсани буюрди: ҳавойи нафсга эргашмасликни, Аллоҳ таолодан қўрқишни ва инсонлардан қўрқмасликни, Аллоҳ оятларини озгина пулга сотмасликни», дедилар. Сўнг Аллоҳ таолонинг ушбу оятларини ўқидилар:

الْوَقَّاحِ لِابْنِ نَبِيٍّ مُّكْحَفٍ ضَرَّالْاِيْفَ ؕ فَيَلْخَ كَ اَنْ لَّعَجَ اِنْ دُوَادِ اِي
لِيْبَسَ نَعْنَ وَ لَضَيَّ نِيْدَلَّ اِنَّ لَلِاِيْبَسَ نَعْنَ كَلَّضَيَّ فَيَوَّهَلَّ اَعْبَبَت
بِاسْخَلَّ اَمْوِي اَوْسَنَ اَمْبُ دِيْدَشُ بَادَعُ مَهَلَّ لَلَّ

«Эй Довуд, дарҳақиқат Биз сени ерда халифа қилдик. Бас, сен (нафс) хоҳишига эргашиб кетма! Акс ҳолда, у сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур. Албатта, Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб-китоб кунини (яъни, Қиёматни) унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир» (Сод сураси, 26-оят);

اَوْ مَلْسَا نِيْدَلَّ اَنْ وَّيْبَنِّ اَوْ اَوْ مُمْ كَحَيُّ رُوْنَوَّ وَّيْدَهْ اَهِيْفَهْ اَرْوَتَلَّ اَنْ لَزَنَّا اِنْ
لَلَّ اَبَاتِكَ نَمَّ اَوْ طَفُخْتُ سَا اَمْبُ رَابَّحْ اَلْاَوْ نُوْيَنَّا بَّرَلَّ اَوْ اَوْ دَاهَ نِيْدَلَّ
يَتَايَّ اَبَّ اَوْ رَتَّ شَتَّ اَلَّ وَّ نَوْشُخْ اَوْ سَا اَلَّ اَوْ شَخَّ اَلَّ فَاَدَهْ شَهْ لَعَّ اَوْ اَكَّ و
نُورَفَاكَّ اَلَّ اَمْهَ كَلَّ لُؤْفُ اَلَّ لَزَنَّا اَمْبُ مُمْ كَحَيُّ مَّ نَمَّ وَّ اَلَّ يَلَّقَ اَنْ مَث

«Албатта, Биз Тавротни ҳидоят ва нурни ўз ичига олган ҳолда нозил қилганмиз. Аллоҳга бўйинсунувчи бўлган пайғамбарлар, илоҳий билим эгалари ва донишмандлар ўзларига Аллоҳнинг китоби омонат қўйилгани сабабли яҳудийларга у (яъни, Таврот ҳукмлари) билан ҳукм қиладилар. Улар бу китоб устида гувоҳдирлар. Бас, (эй яҳудий уламолар), одамлардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз ва Менинг оятларимни қиймати оз нарсаларга алмаштирмангиз! Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир». (Моид сураси, 44-оят);

اَنْ كَوَّ مَوْ قَلَّ اَمْ نَعْنَهِيْفَ تَشَفَنَنْ ذِي تَحَلَّ اِيْفَ نَامُ كَحَيُّ ذِي نَامُ يَلَّ سَوَّ دُوَادَو
نِيْدَهْ اَشْ مَوْ مُمْ كَحَلَّ

«Довуд ва Сулаймоннинг экинзор хусусида ҳукм қилаётган пайтларини (эсланг). Ўшанда унга қавмнинг қўйлари бўшалиб кириб (уни пайҳон қилиб юборган) эди. Биз улар (чиқарган) ҳукмга шоҳид эдик». *(Анбиё сураси, 78-оят).*

Сўнг: «Агар Аллоҳ таоло бу иккаласининг (Довуд ва Сулаймоннинг) ишини зикр этмаганида, қозилар ҳалок бўладилар, деб ўйлаган бўлардим. Лекин Аллоҳ бирини (Сулаймонни) илми сабабли мақтади ва бирини (Довудни) ижтиҳоди сабабли узрли санади», дедилар.

«Бўстонул Орифийн» китобидан